

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 23 (1254)

2020 ЙИЛ 18 ИЮНЬ

HUMO-MASTERCARD-INTERNATIONAL КАРТАЛАРИ ЧИҚАРИЛАДИ

МБПМ ва Mastercard HUMO International лойиҳасини ишга тушириш бўйича келишувга имзо чекди. Мазкур ҳужжат HUMO-Mastercard-International қўшма карталарининг чиқарилишини кўзда тутди. Янги карта эгалари Mastercard тармоғида тўловларни амалга оширишлари мумкин бўлади.



Жорий йилнинг 12 июнида Миллий банклараро процессинг маркази (МБПМ) ва Mastercard халқаро тўлов тизими ўзаро Келишувга имзо чекканлари ҳақида эълон қилдилар. Унга кўра, HUMO-Mastercard-International қўшма карталарини чиқариш ишлари бошланади.

HUMO-Mastercard-International карталари эгалари Ўзбекистон ва бутун дунёда Mastercard тармоғидаги барча нуқталарда харидларни амалга оширишлари мумкин бўлади. Халқаро карталар билан харидларни амалга ошириш, нақдсиз пул ўтказмаларини олиш, меҳмонхоналарда хоналарни брон

қилиш, интернет орқали чипталарни харид қилиш, онлайн-дўконларда харидларни, шу жумладан хорижда онлайн-тўловларни амалга ошириш учун қулай. Карталар контакtsiz технологияларга бириктирилган ҳолда чиқарилади – бу харидни амалга оширишнинг осон, қулай ва хавфсиз усули бўлиб, картани терминалга солиш шарт эмас ва тўловни амалга ошириш учун тўлов қурилмасига картани бир марта теккизишнинг ўзи етарли.

“Биз ҳозирги пандемия билан боғлиқ шароитга қарамастан, Mastercard билан яқин ҳамкорлигимиз янада ривожланиб бораётганидан хурсандмиз. Дунёдаги ҳолат яхшиланиб, мамлакатлар ўртасидаги авиақатновлар қайта тикланиши билан HUMO-Mastercard-International карталари эгалари осонлик билан, ўз уйларидан туриб, чипталарни харид қилишлари, меҳмонхонани брон қилишлари, бошқа мамлакатда эса такси буюртма қилиш ва деярли исталган дўконда карта билан тўловларни амалга оширишлари мумкин. Умид қиламизки, тез кунлар ичида, мазкур лойиҳа туфайли карта эгалари нақд пулсиз тўлов технологияси билан боғлиқ барча қулайликларни ўзлари ҳис қила оладилар”, – дея изоҳ берди МБПМ директори Шухратбек Қурбонов.

(Давоми 3-саҳифада)

ХАЛҚ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ БЎЛИБ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЖАРАЁНГА КИРИШДИ



Халқ банки мамлакатимизда биринчи бўлиб “Хатарларни бошқариш тизими”ни автоматлаштириш жараёнига киришди ва бунда молиявий хатарларни бошқариш тизими Finastra Fusion Risk негизда трансформация қилиш учун FinExtra МЧЖ компаниясини танлади.

FinExtra МЧЖ катталиги бўйича дунёда 3-ўринда турувчи Fintech компанияси бўлган Finastra (Буюк Британия) компаниясининг эксклюзив ҳамкоридир.

Fusion Risk қаторига шундай тизимлар кирдики, улар риск-менежмент бўйича бой халқаро тажрибани умумлаштирган бўлиб, турли молиявий хатарларни, шу жумладан, бутун банк миқёсидаги хатарларни ҳам комплекс бошқариш вазифаларини ҳал қилади. Fusion Risk тизимидан бутун дунё бўйлаб 250 дан ортиқ мижозлар фойдаланишади. Fusion Risk тизими Societe Generale, European Bank, Erste Bank ва Альфа банк сингари бир қатор банкларда жорий этилган, у Ўзбекистон Марказий банки талабларига тўлиқ мослаштирилган.

(Давоми 3-саҳифада)

БАНКОМАТЛАРДА ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШГА ОИД ЯНГИ ХИЗМАТ

“Uzcard”нинг янги лойиҳаси йўлга қўйилди. Бу лойиҳа доирасида “Uzcard” карталаридан АҚШ долларида нақд пул маблағларини бериш ҳамда карталарни чет эл нақд пул валютаси билан тўлдириш имконини берадиган янги хизмат жорий этилди. Шу билан бирга, чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш курси банклар томонидан онлайн тарзда белгиланади. Ушбу хизматга биринчи бўлиб валюта-алмашиш банкоматлари муваффақиятли синовдан ўтказилган АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” қўшилди.



Лойиҳа мижозларни банк кассаларида навбатда туришдан халос қилиб, одамлар билан алоқада бўлишни чеклайди, бу эса пандемия даврида жуда муҳимдир.

Ушбу хизматни ўз валюта-алмашиш банкоматларида амалга ошириш учун мамлакатдаги тижорат банклари “Uzcard” ТТ регламентига мувофиқ иш олиб боришлари керак.

Uzcard.uz



Макроиктисодий таҳлиллар инфляция даражасининг жорий йил якунига қадар 11-12,5 фоизгача ва 2021 йил якунига қадар 9 фоизгача пасайиши кутилмалари фонидан банклар томонидан депозитлар фоиз ставкаларининг 23 фоизгача белгиланаётганлиги фоиз хатарларини ва кредитлар бўйича эса 26-30 фоизгача тақлиф этилаётганлиги кредит хатарларининг кучайишига олиб келмоқда.

Мазкур хатарларнинг олдини олиш мақсадида Марказий банк томонидан инфляция ва бозордаги ҳолатни инобатга олиб, пруденциал чоралар ва пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланган ҳолда банкларда оқилона фоиз сиёсатини юритишни рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бунда жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб 2021 йил 1 январга қадар:

МАРКАЗИЙ БАНК ТОМОНИДАН БАНКЛАРДА ОҚИЛОНА ФОИЗ СИЁСАТИНИ ЮРИТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ


- миллий валютада юридик шахслар депозитлари бўйича 16 фоизгача, жисмоний шахслар омонатлари бўйича 18 фоизгача;

- миллий валютада юридик шахслар кредитлари бўйича 21 фоизгача, жисмоний шахслар кредитлари бўйича 24 фоизгача;

- тадбиркорларга хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича 8 фоизгача бўлган ставкалар мақбул фоиз ставкалари деб ҳисобланади.

Мазкур фоиз ставкалари Марказий банкнинг амалдаги асосий ставкасидан келиб чиққан ҳолда ўзгаради.

Жорий этилган мақбул фоиз ставкалари банклар операцияларини даромадлик даражасини чекламайди ва банкларда ўз фаолиятлари доирасида мустақил ра-



вишда фоиз ставкаларини белгилаши сақланиб қолинади.

Мақбул фоиз ставкалари чегарасида депозит ва кредит операцияларини амалга оширган

банкларни пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланган ҳолда рағбатлантириш механизмлари жорий этилди. Жумладан:

- Марказий банкда сақла-

ниши лозим бўлган мажбурий резервлар норматив миқдорини ҳисоблашда ўртачалаш коэффициентини амалдаги 35 фоиздан 75 фоизгача оширилади;

- фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондига ўтказиладиган календарь бадаллари амалдаги 0,25 фоиздан 0,05 фоизгача пасайтирилади;

- банкларни пул-кредит сиёсати инструменти орқали 3-6 ойлик зарур ресурс билан таъминлаш тизими жорий этилади;

- шунингдек, банкларда ликвидлик тақчиллиги юзга келганда, стандарт таснифланган активлар гарови эвазига тақдим этиладиган банк активларининг 2 фоизи миқдоридан "чақириб олинмайдиган" кредит линиялари очилади.

ҲУДУДЛАРДА ТЎЛОВ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ДАРАЖАСИ ҚАНДАЙ

Бухоро ҳамда Навоий вилоятларида Республика Марказий банки раҳбарияти томонидан тижорат банклари масъул ходимлари учун амалий семинарлар ўтказилди.



Уларда тўлов хизматлари инфратузилмасини кенгайтириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар батафсил муҳокама қилинган ҳолда, келгусида бажарилиши лозим бўладиган вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, миллий тўлов тизими терминаллари-нинг қулайликлари, уларда халқаро банк карталарини қабул қилиш имкониятлари, контактсиз тўловларни амалга ошириш услублари тўғрисида тушунчалар берилди.

Шу билан бирга, ташриф давомида Бухоро ва Навоий вилоятларида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан тўлов терминалларида фойдаланиш ҳолати, уларни тўғри ва қулай тарзда қўллаш бўйича тушунчаларнинг етарлиги ўрганилиб, бу борада сотувчиларга қўшимча зарур кўникмалар етказилди.

Бундан ташқари, йирик савдо мажмуалари ҳамда аҳоли гавжум жойларга ўрнатилган банкоматлар тармоғи фаолияти ҳам беvosита жойида ўрганилди.



ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Марказий банк раҳбарияти тижорат банклари масъул ходимлари билан биргаликда Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги тадбиркорлар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг фаолияти билан уяқиндан танишишди.

Учрашувларда тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш, банк тизими имкониятларидан унумли фойдаланиш каби устувор вазифалар муҳокама этилди.

Шу билан бирга, жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасида банклар фаолиятини такомиллаштириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Наманган вилоятида Марказий банк раҳбарияти томонидан тижорат банклари масъул ходимлари ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида учрашувлар ўтказилди.



Хусусан, аҳоли ва тадбиркорлар билан ўтказилган учрашувларда банк тизимига оид аниқланган 60 дан ортиқ муаммолар масалалар тижорат банклари билан биргаликда ўрганиб чиқилди ва жойида ҳал этилди.

Наманган вилоятининг 2020-2022 йиллар инвестиция дастурига киритиш учун янги шакллантирилган 250 млрд. сўмлик 13 та истиқболли лойиҳа бўйича тижорат банклари томонидан кредит ажратиш таъминланди.

Учрашувлар давомида фаолияти тўхтаб қолган ва май ойида пул тушумлари пасайиб кетган тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, вилоят бозорларининг асосий истеъмол товарлари билан тўйинганлик даражаси ва нарх-навога таъсир этувчи омиллар атрофлича таҳлил этилди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгилаб олинди.

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки ва “Қишлоқ қурилиш банк” ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун янги кредит линиясини ажратиш бўйича келишувга эришди.

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНКИ”ДАН ЯНГИ КЕЛИШУВ

“Қишлоқ қурилиш банки” АТБ мижозларга, жумладан фаолияти экспорт-импорт амалиёти билан боғлиқ хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш имкониятини кенгайтириш мақсадида халқаро ҳамкорликни мунтазам яхшилашга ҳаракат қилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 13 март куни бош идораси Москвада жойлашган Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки билан молиялаштириш тўғрисида келишувга имзо чекилган эди. Келишув шартларига мувофиқ, кредит линияси маблағлари ХИХБнинг аъзо-мамлакатлари, яъни Россия, Болгария, Словения, Вьетнам, Мўғулистон, Польша, Руминия ва Чехия сингари мамлакатларда саноат маҳсулотлари, ускуналар, транспорт ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, шунингдек иш ва хизмат кўрсатувчи компанияларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган бундай корхона ва ташкилотларни қўллаб-қувватлаш бутун дунёда коронавирус эпидемияси ривожланиб боришидан қўллаб-қўзғатиш бўйича субъектлари азият чекаётган вақтда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, бу маблағлар ҳисобида иш ўринлари сақланиб қолади. Бу эса ҳам аҳоли, ҳам иқтисодиёт учун самаралидир.

ХИХБ халқаро молия институти ҳисобланиб, асосий фаолияти ХИХБга аъзо-мамлакатларнинг барқарор ривожланиши ҳамда иқтисодий ўсишига кўмак кўрсатишдан иборат. Ташкилотта 1963 йилда асос солинган. Банк аъзо-мамлакатларда экспорт-импорт операциялари ривожланишини кредитлар ажратиш ва синдиштирилган кредитлар битимларида иштирок этиш орқали қўллаб-қувватлайди.

Finance.uz

ХАЛҚ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ БЎЛИБ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЖАРАЁНГА КИРИШДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Тизимни жорий этиш банкка хатарларни идентификация қилиш, кредит хатари, бозор таваккалчилиги, ликвидлик хатари, фоиз ставкалари ўзгариши хатари, бошқарилувчи метрик хатарлар (Basel/III и МСФО 9) ва стресс-тест ўтказиш қабиларни бошқариш учун тўлиқ функцияли тизимни тақдим этишга имкон беради.

Халқ банки FinExtra компанияси билан Fusion Risk'ни асосий банк тизими ва банкнинг бошқа ички тизимларига Finastra FusionFabric Connect деб аталувчи ҳақорқали улаш мақсадида ҳамкорлик қилади, бу эса барча биргаликда тизимлардан маълумотларни содда ва аниқ шаклда онлайн равишда йиғишни таъминлайди.

Трансформация натижасида Fusion Risk'нинг тўлиқ функционалини жорий этиш кутилмоқда. У қуйидаги модулларни ўз ичига олади:

1. Банк активлари ва пасивларини бошқариш/ALM:

Бу банк бизнесининг алоҳида турлари самардорлигини аниқлашни ва уларни бошқаришни таъминлайди. ALM-модуль банкка балансдаги тафовутлар хатарини фаол бошқариш, шунингдек, активлар ва пасивларини бошқариш (ALM), савдо ва банк китобларини ўз ичига олувчи бутун баланс бўйича



ликвидликни бошқариш учун функционаллик ёрдамида даромадлиқни хатарига мос равишда ҳисоблаб чиқиш имконини беради.

2. Маҳсулот нархини шакллантириш/FTP

Fusion Risk FTP банкка спредлар бўйича маълумотларни фоизларда ёки пул бирлигида келгуси давр учун сценарий тахминларига мос равишда:

- мижоз томонидан (мижозга) тўланган фоизлар суммаси билан FTP ставкаси бўйича ҳисобланган фоизлар ўртасидаги фарқни аниқлаш учун маълумотларни ҳисоблаш;

- ҳар бир спред бўйича ҳисобланган ва шу спред учун масъул бўлинманинг ҳаражатлари/даромадини акс эттирувчи суммани баҳоратлаш имконини беради.

Тижорат маржаси даромадлиқнинг асосий кўрсаткичи бўлиб:

- фоиз маржаси ва унинг ўсишини изоҳлайди;
- рентабелликни соҳалар, маҳсулотлар, мижозлар ва бошқа ҳар қандай ўлчовлар бўйича ўлчайди.

3. МСФО 9 / IFRS 9

Fusion Risk МСФО 9 шартномаларни стандартга мос ҳолда таснифлашни амалга ошириш учун эгилувчан конфигурациялашувчи фреймворк тақдим этади. Тизим аввалдан тўғриланган таснифлаш қоидалари билан етказиб берилди, уларни банкнинг ўзи қайтадан конфигурациялашни ҳам мумкин. Шунингдек, маҳсулот турига қараб турлича мослаштириш имконияти ҳам бор.

4. Базель III/II

Fusion Risk Regulation Базель метрик хатарлар ҳисоб-китобини таъминлайди ва банк капиталининг етарлигини ўлчай олади. Ушбу компонент турли юрисдикциядаги капиталнинг етарлилик даражасини ҳисоблаш қоидаларини аниқлаш, бозор, кредит, амалиёт хатарлари, ликвидлик ва концентрация хатари қабиларни ҳисоб-китоб қилишга имкон яратди. Молия муассасаларига меъёрий ҳисобот юритишнинг ўзгарувчан талабларига мослашиш ҳамда капитал ҳаражатларини оптималлаштиришда ёрдам беради.

Банк Матбуот хизмати

HUMO-MASTERCARD-INTERNATIONAL КАРТАЛАРИ ЧИҚАРИЛАДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

“Компаниямизнинг устувор мақсади – замонавий тўлов индустриясини ривожлантириш. Шунинг учун биз ушбу лойиҳани муваффақиятли ҳамкорлигимизнинг давоми сифатида баҳолаётимиз ва аминманки, у фақат кенгайиб боради. Нақд пулсиз тўловлар туризмини ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг мустаҳкамланишига қўшимча рағбат бўлиб хизмат қилади, чунки у бозорнинг барча иштирокчилари учун очиқ, хавфсиз, самарали ва шаффоф муҳит шаклланишига олиб келади. Замонавий тўлов технологияларининг кенгайиши фуқаролар, тадбиркорлар, молия муассасалари ва давлат учун янги имкониятларни яратди”, – дея, таъкидлади Mastercard-нинг Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистондаги бош директори Рафал Трэпка.

humocard.uz

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ижроси доирасида солиқ органлари фаолиятига IT технологияларни янада кенгроқ татбиқ этишга эътибор қаратилмоқда.

ОНЛАЙН ИНКАССО ЯНГИ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Шу муносабат билан, 2020 йилнинг 16 июнь санасидан бошлаб тадбиркорлик субъектларининг бажарилмаган солиқ мажбуриятларига нисбатан солиқ органлари томонидан инкассо топшириқномаси қўйишда янги тартиб жорий этилади.

Биринчидан, инкассо топшириқномалари Давлат солиқ қўмитаси томонидан марказлашган ҳолда инсон иштирокисиз дастурий маҳсулот орқали автоматик равишда қўйилади. Инкассо топшириқномасини шакллантиришда дастурий маҳсулот нималарга эътибор беради:

1. Солиқ тўловчи томонидан солиқни тўлаш учун тўлов топшириқномасини банк ҳисобварағига тақдим этганлиги;
2. Бошқа солиқ турида юзага келган солиқ қарзи миқдоридан ортиқча тўлов суммаси мавжудлиги;
3. Солиқларни тўлаш муддатлари кечиктирилганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари асосида солиқ қарзини ундириш тўхтатилганлиги.

Иккинчидан, солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига қўйилган инкассо топшириқномалари ҳам инсон иштирокисиз автоматик равишда қақиртириб олинади. Бунда, инкассо топшириқномасини автоматик қақириб олиш учун номзод шакллантиришда дастурий маҳсулот нималарга эътибор беради:

1. Солиқ қарзи тадбиркорлик субъекти томонидан тўлиқ тўлаб берилганлиги;
2. Солиқ қарзи қонунда белгиланган тартибда тўлиқ бартараф этилганлиги.

Учинчидан, Солиқ кодексига белгиланган солиқларни тўлаш муддатидан кейинги кундан кечиктирмасдан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига автоматик равишда оғохлантириш талабнома юборади.

Тўртинчидан, автоматик равишда шакллантирилган инкассо топшириқномаси солиқларни тўлаш муддатидан кейин автоматик равишда солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига юборилади. Бешинчидан, бажарилмаган солиқ мажбурияти мавжуд бўлган барча тадбиркорлик субъектларининг солиқ қарзини бюджетга ундиришда бир хил ёндашув таъминланади.

Олтинчидан, солиқ органи томонидан солиқ тўловчиларнинг банк ҳисобварақларидаги маблағларини асоссиз равишда ортиқча ечиб олиш ҳолатларига бутунлай чек қўйилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддасида солиқ тўловчилар томонидан солиқларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик учун жавобгарлик белгиланган.

Нодир ЭРКАЕВ,

Солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш бошқармаси бошлиғи.

Finance.uz

ҚОҒОЗДАГИ ИМТИЁЗЛАР ҚАЧОН ҲАЁТГА КЎЧАДИ?

Бирор соҳани ислоҳ қилишга, ривожлантиришга қаратилган норматив ҳужжат қабул қилиш мақсадга етишиш учун ташланган илк қадам бўлса, унинг ҳаётимизни ижобий томонга ўзгартириши, амалиётда ижроси бевосита масъулларга ва унинг ижро этилиш ҳолатига боғлиқдир. Агар ушбу ҳужжат улар томонидан ўз вақтида сифатли бажарилмаса, ҳар қандай қонун ёки қарорнинг оддий қоғоздан фарқи бўлмай қолади.

Шу боисдан ислохотлар ҳақида сўз кетганда қабул қилинган ҳужжатлар сонига қараб эмас, улар одамлар ҳаётини қанчалик ўзгартира олганига қараб баҳо бериш лозим бўлади. Албатта, бу жараёнда парламент ва жамоатчилик назоратининг алоҳида ўрни бор. Президентимиз томонидан ҳам бир неча бор парламентнинг қонун ва қарорлар ижроси бўйича назорат олиб бориши лозимлиги ҳам кўп бора қайд этилган. Таъкидлаш лозимки,

ЎЗ-ЎЗИДАН САВОЛ ТУҒИЛАДИ: ҲОЯТ МУҲИМ ҲИСОБЛАНГАН УШБУ ЙЎНАЛИШЛАРДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАН?

Жорий йилда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида Қашқадарё вилоятида жами 3 618 та лойиҳаларга 127576,0 миллион сўм маблағ ажратилган.

Ушбу лойиҳаларнинг асосий қисмини иссиқхона,

устахоналар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш, айланма маблағларини тўлдирish учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган ҳолда 18 ой муддатга, базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 бараваридан ошмаган миқдорда кредитлар ажратиш назарда тутилган.

Қарорнинг мазкур банди ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарёда хунармандчиликни ривожлантириш учун 415 та лойиҳага 15804,0 миллион сўм ажратилган. Маблағларнинг ўртача қиймати 38 000 000 миллионни ташкил этмоқда.

ХЎШ, АЖРАТИЛГАН КРЕДИТЛАР МИҚДОРИ КЎПМИ ЁКИ КАМ?

Жорий йилда республика бўйича ажратиш режалаштирилган жами 589,3 миллиард сўм маблағнинг Қашқадарё вилоятида ҳозиргача 2,7 фоизгина ажратилган, холос. Афсуски, бу рақам мақтанишга арзирли эмас. Бунинг сабабини ўрганиш мақсадида мазкур кредитни олган ва олмоқчи бўлган хунармандлар билан суҳбатлашилди. Улар кредит маблағлари ҳисобидан ўз фаолиятларини такомиллаштириш имконияти пайдо бўлгани, аммо ҳозирги пандемия шароити бевосита таъсир қилиб, маҳсулотлари сотуви ҳажми кескин камайиб кетганини маълум қилишди. Бу ёқда кредитни қайтариш муддати қисқалиши туфайли ойлик тўлов миқдори катта суммага айланиб кетаётганини таъкидлашди. Мисол учун, ўртача 38 миллион сўм кредит олган тадбиркор фозилларни ҳисобга олмаганда ойига 3 100 000 миң сўмдан тўлашга мажбур бўлмоқда. Табиийки, бунча миқдордаги тўлов ҳар қандай хунарманд учун оғирлик қилади. Шунинг учун кўп хунармандлар оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган муддати 3 йиллик бўлган кредит олишга ҳаракат қилишмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, хунармандлар учун имтиёз сифатида берилган маблағлар улар томонидан имтиёз сифатида қабул қилинмаяпти. Имтиёз сифатида олганлари ҳам ҳозирда қийин аҳволга тушиб қолган. Шунинг учун мутасаддилар бу масалага ҳам атрофлича эътибор қаратиши, имтиёз деб қоғозда ёзилган сўзни ҳаётга ҳам кўчириши лозим.

Маъфират ХУШВАҚТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги “Адолат”
СДП фракцияси аъзоси
parliament.gov.uz



жорий йилдан бошлаб парламентнинг бу йўналишдаги ишлари янги босқичга чиқди. Энди депутатлар асосий фаолиятини қонун ижодкорлиги билан биргаликда унинг ижросини ўрганишга қаратмоқда.

Жумладан, жорий йил июнь ойининг дастлабки ўн кунлигида Қашқадарё вилоятида Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида кредитлар ажратиш ҳолати ҳамда Президентимизнинг “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси ўрганилди. Айна шу йўналиш нақадар долзарб эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берди. Чунки пандемия шароитида иш ўринлари сони кескин қисқариб, ишсиз ва даромадсиз қолганлар кўпчиликини ташкил этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айна шундай шароитда ўзини банд қилувчи оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик каби соҳалар ҳам давлат учун, ҳам фуқаролар учун энг яхши чора ҳисобланади.

боғдорчилик ташкил этиш, паррандачилик, асаларичилик, чорвачилик, кўнчилик, балиқчиликни ривожлантиришга ажратилган маблағлар ташкил этади.

Шу ўринда ўрганишлар давомида депутатлар Қашқадарё вилоятида хунармандчиликни ривожлантириш ҳолати билан ҳам танишишди.

Маълумки, Президентнинг 2019 йил 24 октябрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2020 йил давомида хунармандчиликни ривожлантириш дастури учун 589,3 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши белгиланган. Ушбу маблағлар, “Хунарманд” уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хомашё материалларини харид қилиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари, “уста-шоғирд” мактабларини ташкил этиш, уй-музейи ва

БАНК ВА МИЖОЗ

Сирдарё вилояти Сардоба тумани ҳудудидаги Сардоба сув омборида юз берган фавқуллодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш, зарар кўрган аҳолига ҳар томонлама тезкор амалий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида “Ипотека-банк” АТИБ томонидан ҳам манзилли режа ишлаб чиқилиб шу асосда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ЎЗАРО ИШОНЧ ЁХУД ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Президентимизнинг Сардоба сув омборидаги ўпирилиш туфайли сув тошқинидан талафот кўрган ҳудудларни тартибга келтириш мақсадида берган кўрсатмалари асосида ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини тиклашга, шунингдек қўшимча янги иш ўринларини яратишга қаратилган саноат, қишлоқ ўзғалиги, хизмат кўрсатиш каби соҳаларга доир лойиҳалар ўрганилиб, уларни молиялаштириш ишлари бошлаб юборилди.

“Ипотека-банк” томонидан Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида умумий қиймати 100,1 млрд. сўмлик 30 лойиҳани молиялаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Айни кунда, мазкур лойиҳаларнинг 17 таси учун банк томонидан 23,2 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, балиқчилик тармоғини кенг ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ва инновацион услубларини жорий этган ҳолда маҳсулот ҳажмларини ошириш юзасидан амалий саъй-ҳаракатлар самарасини бера бошлади. Давлатимиз раҳбарининг балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган қарорлари тармоқни ривожлантириш борасида дастурил амал бўлиб хизмат қилмоқда. Қарорларнинг ижроси амалий ишлар мисолида бўй кўрсата бошлади. Муҳими ҳудудларда банк томонидан йўналтирилган кредитлар мақсадли фойдаланилаётганлиги боис, тармоқ барқарор ривожланмоқда. Эришилган ютуқлар эса кутилганидан зиёда!

Хусусан, Сардоба туманидаги “Сардоба балиқ МЧЖ”га ҳамда Оқ олтин туманидаги “Чорва томорқа таъминот” МЧЖга балиқчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида жами 4 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Албатта бу ажратилган маблағлар ҳар икки тадбиркорлик субъекти учун ҳам катта ёрдам бўлди.

Тадбиркорларга сунъий сув ҳавза майдонларида етиштирилаётган балиқ ҳосилдорлигини ошириш, бу соҳада илғор хорижий тажрибаларни етказиш бўйича ҳам тегишли ташкилотлар билан доимий ишлар олиб борилмоқда.



“Ипотека банк” ходимлари ўз миқозлари бўлган тадбиркорларнинг ҳар бири билан гаплашиб, фаолиятини ўрганиб, улар билан ҳамсуҳбат бўлиб, дардини тинглаб тадбиркорлигини ривожлантириш учун барча зарурий ёрдамларни кўрсатишмоқда. Бундан ташқари банк миқозли бўлмаган тадбиркорлар билан ҳам учрашиб ўзаро мулоқотда бўлишди. Лозим бўлган ёрдамлар кўрсатилди.

Қаерда ўзаро ишонч ва бу орқали аниқ мақсадлар сари ҳамкорлик йўлга қўйилса шак-шубҳасиз самарадорлик шунга яраша бўлаверади. Банкнинг мақсади шу – юртдошларимизга сифатли банк хизматларини кўрсатиш билан бирга, ўз миқозлари ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали ҳудудларда қўллаб янги иш ўринлари яратиш ва провардида халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишдан иборат.

Банк Матбуот хизмати

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий пировард мақсади – мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ қарор топтиришдан иборатдир. Ушбу жараёнда тижорат банкларининг операцияларидан оладиган даромадларини оширишнинг самарали тизимини вужудга келтириш, пул муомаласи ва кредит соҳасида юзага келадиган ҳолатларнинг иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан салбий таъсирини олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир. Банкларнинг харажатлари моҳиятини чуқур англаб етиш ва маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ундан ушбу харажатларни оптималлаштириш масалаларини атрофлича таҳлил қилиш зарурдир.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлиса Мурожаатномасида банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар қўрилиши белгилаб қўйилди. Хусусан, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқда қолаётганлиги, 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўлланми трансформация дастурини амалга ошириши ҳамда бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътибор марказида бўлиши таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда банкларимизнинг даромадлари ошириш ва бунда харажатларни оптималлаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг катта миқдорда ресурси депозитлардан келган бўлса, асосий актив операциясидан даромад кредитлардан шаклланади. Шундай экан бу каби операцияларнинг фоизи банкларнинг фоизли харажатлари ҳамда фоизли даромадларига кескин таъсир қилади.

2017 йил 1-чорақдан 4-чорақча депозит ва кредит фоизлари ўртасида мантиқий нотўғри боғланиш мавжуд. Бу ҳолатни олдинги даврларда ҳам кузатишимиз мумкин. Банклар муддатли депозитларни асосан касса операциясини амалга ошириш учун нақд пул шаклда жалб қилганлиги учун, депозитлар фоизининг ўзгаришига қараб кредитлар фоизини мослаштирмаган. 2017 йил 3-чорақдан бошлаб Марказий банк томонидан тижорат банкларини кредитлаш амалиёти йўлга қўйилгандан ҳамда нақд пул муаммоси ҳал бўлгандан кейин тижорат банклар томонидан муддатли депозитлар жалб қилиш учун юқори фоиз таклиф қилиш учун маъно қолмаган. Яъни банклар учун қўшимча ресурс жалб қилиш манбаси пайдо бўлди.

си 2017 йил 3-чорағида кузатилган ва 32,94 %ни ташкил этган.

Шунингдек, банкларнинг фоизли харажатлари бир маромда ўсиб борган бўлса, фоизсиз харажатлари ҳамда операция харажатлари эса бир маромда ўзгариш хусусиятига эга эмас. Ушбу фоизсиз ва операция харажатлар мавсумийлик таъсирини эга бўлмоқда. Яъни тижорат банкларимизнинг фоизсиз харажатлари ҳар йилнинг 3-чорағида энг юқори даражада кўтарилган бўлса, операция харажатлари эса йилнинг 4-чорағида ўзининг энг авж нуқтасига чиқмоқда.

Ўйлаймизки, ҳозирги нобарқарор иқтисодий шароит даврида тижорат банклар харажатларини оптималлаштиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Банklar томонидан чораклик операция харажатлари ҳажмини камайтириш ва бунда иш ҳақи фондини барқарор бошқариш механизминини шакллантириш лозим;

Тижорат банкларида операция харажатларини камайтиришда административ харажатларини ҳам камайтириш мақсадга мувофиқ;


Тижорат банкларида миллий валюта курсининг ўзгаришини таҳлил қилишни тўғри йўлга қўйиш, хусусан муддатли валюта операцияларини олиб бориш орқали фоизсиз харажатларни ҳисобланадиган девальвациядан қўриладиган зарарларни камайтириш мақсадга мувофиқ.

Банklarда асосан автоматлаштирилган тизимга тўлиқ ўтиш лозим деб қараймиз. Бу банклардаги кундалик харажатлар бири саналган концелария харажатлари бир мунча қисқаришига олиб келади.

Харажатларнинг даромадга қараганда юқори тезликда ўсиши таҳлил қилинаётган давр учун банк кўпроқ узоқ муддатли ресурслар жалб қилиб, қисқа муддатли активларга жойлаштирилганини ёки банк пул маблағларини юқори нарҳда сотиб олиб, уларни пастроқ нарҳларда жойлаштирилганини кўрсатади. Агар фоизсиз даромадларнинг камайиб, фоизсиз харажатларнинг кўпайиши аниқланса банк бу ҳолатга жиддий эътибор қаратиши керак, бу фойда ҳажмининг туша бошлаганлигини аниқлатади.


Ҳар бир тижорат банк фаолиятининг асосий мақсади банк даромадларини ошириб ва харажатларни камайтирган ҳолда, максимал фойда олишдир. Юқори даромад олиш ўз навбатида банклар олиб борадиган операцияларининг риск даражасини оширади, чунки риск даражаси қанча паст бўлса, фойда олиш эҳтимоли ҳам қисқаради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ишлаб чиқариш бир қанча муқобил ечимлар ичидан рискнинг минимал даражасини танлашга ҳаракат қилса, иккинчи томондан даромадлилик билан боғлиқ бўлган оптимал ечимни топишга ҳаракат қилади.

Тоҳир ТУРОПОВ
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси "Тижорат банкларини бошқариш" 2-курс тингловчиси




Тижорат банкларининг фоизли даромадлари ва фоизли харажатларининг қиёсий таҳлили (млрд.сўмда).

Банкларнинг фоизли даромадлари фоизли харажатларига қараганда ўрганилган даврда тезроқ ўсган. 2017-2018 йилларда уларнинг ўзгариш тезликлари бир-бирига яқин бўлса-да, 2018 йилнинг 3-чорағидан бошлаб 2020 йилнинг бошларига қадар фоизли даромадлари кўпроқ ошган. Бунга асосий сабаб банклар томонидан миқдорларини кредитлаш фоизининг ошиши ҳисобланади. Яъни бу даврда банклар томонидан депозит жалб қилишга қараганда кредитларнинг фоизи кўпроқ ошган. Буни қуйидаги расм маълумотларидан қўришимиз мумкин.



Тижорат банкларида ўртача чораклик умумий кредитлар ва депозитлар фоизининг ўзгариши (фоизда).



Тижорат банкларининг жами харажатлари таркиби (млрд.сўмда).

Тижорат банкларининг харажатлари тақибиди 2017 йилга қадар асосан операция харажатлар эгаллаган бўлса, 2017 йилдан вазият ўзгарган ва жами харажатлари таркибиди фоизли харажатлар катта қисмини эгалламоқда. Хусусан, 2017 йилнинг бошида жами харажатлар таркибиди фоизли харажатлар 46,3 %ни ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг бошига келиб 59 %ни ташкил этмоқда. Операция харажатлар эса пасайиш тенденциясига эгаллиги кузатилди. Жумладан, 2017 йилнинг бошида жами харажатлар таркибиди операция харажатлар 41,3 %ни ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг бошига келиб эса 29,7 %ни ташкил этган. Жами харажатлар таркибиди операция харажатларнинг энг кам салмоғи 2019 йил 3-чорақда кузатилган бўлиб 23,75 %ни ташкил этган.

Тижорат банкларининг фоизсиз харажатларига тўхталадиган бўлсак, бунда ушбу турдаги харажатлари умумий харажатлардаги салмоғи энг паст ҳисобланади. Жумладан, жами банк харажатлари таркибиди фоизсиз харажатлар ўртача 10-15 % ташкил этмоқда. Жами банк харажатлари таркибиди фоизсиз харажатлар салмоғининг энг паст даражаси 2018 йил 4-чорақда кузатилган бўлиб 7,11 %ни ташкил этган бўлса, энг юқори даража-

“XALQ SUG'URTA” МЧЖ Суғурта компанияси

Рўйхат рақами: ЎзР Молия вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 00242- сонли лицензияси

Юридик манзили: Тошкент ш. Яккасарой тум. Шота Руставели кўч., 9-уй

Бухгалтерия баланси 2019 йил 31 декабр ҳолатига кўра

Активлар	(минг сўм)
Асосий воситалар қолдиқ қиймати	1 518 184,41
Узоқ муддатли инвестициялар, жами	36 004 539,1
Келгуси давр харажатлари	273 316,66
Товар-моддий захиралар	230 041,57
Дебиторлар, жами	2 142 553,95
Пул маблағлари, жами	9 872 008,36
Қисқа муддатли инвестициялар, жами	25 900 000,00
Баланснинг активи бўйича жами	75 940 644,04
Пассивлар	
Ўз маблағлари манбалари	18 000 000,00
Захира капитали	1 577 854,61
Тақсимланмаган фойда	7 731 962,50
Суғурта захиралари	46 968 139,27
Жорий мажбуриятлар	1 662 687,66
Баланснинг пассиви бўйича жами	75 940 644,04

2019 йилда молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот

Кўрсаткичлар номи	(минг сўм)
Суғурта хизматлари кўрсатишдан соф тушум	17 584 239,62
Суғурта хизматлари кўрсатишдан ялпи фойда	6 426 694,13
Молиявий фаолият бўйича даромадлар, жами	8 236 190,86
Умумҳўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)	8 182 025,46
Ҳисобот даврининг соф фойдаси	7 731 962,50

“Audit-Kanon” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг (ЎзР МВ томонидан берилган 02.04.2019 йилдаги 00756-сон лицензия, ЎзР АВ 24.12.2007 й. 118-сон билан давлат рўйхатидан ўтган) фикрига кўра, “XALQ SUG'URTA” МЧЖ СКнинг 2019 йил бўйича молиявий (бухгалтерия) ҳисоботи ташкилотнинг 2019 йил 31 декабр ҳолатига молиявий аҳволи ва 2019 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган молиявий ҳўжалик фаолияти натижаларининг барча аҳамиятли томонлари ҳаққоний акс эттирилган. Компаниянинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар билан www.xalq.sug'urta.uz сайтида танишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

“ASKO VOSTOK” МЧЖ Суғурта компанияси

Лицензия рақами: ЎзР Молия вазирлигининг 2015 йил 07 июлдаги СФ 00193- сонли лицензияси

Юридик манзили: Тошкент ш., Хуршид кўчаси, 56 А

Бухгалтер ҳисоботи - №1 шаклли-суғурта 2019 йил 31 декабрга

АКТИВЛАР	
	(минг сўмда)
Узоқ муддатли активлар	17 392 723,25
Дебиторлар, жами	2 234 182,33
Пул маблағлари	1 250 915,26
Қисқа муддатли инвестициялар	16 850 000,00
Бошқа активлар	2 169 542,15
Жами баланс активи бўйича	39 897 362,99
ПАССИВЛАР	
	(минг сўмда)
Устав капитали	7 529 248,73
Қўшилган капитал	22 135,60
Захира капитали	597 698,80
Тақсимланмаган фойда	3 149 519,23
Мақсадли тушумлар	12 657,00
Суғурта захиралари	23 585 639,95
Жорий мажбуриятлар	5 000 463,68
Жами баланс пассиви бўйича	39 897 362,99

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - 2 - сонли шакл - суғурта 2019 йил 1 январдан 31 декабргача

	(минг сўм)
Суғурта хизматлари кўрсатишан даромадлар	21 061 902,85
Суғурта мукофотларининг ялпи йиғими	31 836 493,02
Суғурта хизматлари кўрсатишдан соф тушум	21 061 902,85
Кўрсатилган суғурта хизматларининг таннархи	14 856 798,79
Давр харажатлари	9 002 285,79
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	1 615 424,30
Молиявий фаолиятнинг даромадлари	1 521 350,94
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	140 518,34
Умумҳўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)	199 075,17
Солиқлар ва фойдадан олинадиган бошқа мажбурий тўловлар	20 213,89
Ҳисобот даврининг соф фойдаси	178 861,28

Мажбурий аудиторлик текшируви асосида тузилган аудиторлик ҳулосасининг тўлиқ матни, компаниянинг йиллик молиявий ҳисоботи шакли ва унга тегишли тушунтириш хати билан компаниянинг расмий веб саҳифаси: www.askovostok.uz да танишиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

ҚОЗОҒИСТОН ТАШҚИ БОЗОРДАН БИР МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ҚАРЗ ОЛИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Қозоғистон ҳукумати бюджет танқислигини бартараф қилиш мақсадида ташқи бозордан тахминан 400 миллиард тенге (1 миллиард АҚШ доллари атрофида) қарз олишни мўлжалламоқда. Ушбу йўналишда Россия бозори энг жозибадор ҳисобланади, дейди Қозоғистон Республикаси молия вазири Ерулан Жамаубаев ТАСС агентлигига.

2 апрелда республика молия вазирининг биринчи ўринбасари Берик Шолпанкулов Қозоғистон бюджет танқислигини бартараф қилиш учун ташқи бозордан 3 миллиард доллар қарз олмоқчи бўлаётганини айтган эди. Унинг аниқлик киритишича, бюджет танқислигини молиялаштириш учун республика халқаро молия бозоридан 2,4 триллион тенге (5,3 миллиард доллар) қарз олишига тўғри келади.



12 мартда аввалги молия вазири Алихан Смаилов ҳам Қозоғистон Россия капитал бозо-

ридан Россия рублида бир миллиард долларгача қарз олишни мўлжаллаётганини маълум

қилганди. Унинг таъкидлашича, Қозоғистон бошқа капитал бозорларидан ҳам долларда қарз олишни режалаштирмоқда, бироқ бунда валюта курси билан боғлиқ хавфни ҳисобга олиш зарур бўлади, дейилади хабарда.

“Республика бюджетиде етишмовчилик жорий йилда 2,4 триллион тенгени ташкил этади (12 июндаги курс бўйича тахминан 6 миллиард доллар). Мазкур камомадни қарз олиб ёпиш мумкин. Агар биз ички бозордан 2 триллион тенге жалб қила олсак, табиийки, қолган 400 миллиард тенгени ташқи бозордан олишга ҳаракат қиламиз”, – деди Жамаубаев.

Унинг айтишича, вазирлик ушбу йўналишда катта тахлий ишларни олиб бормоқда.

ЎЗА

“MOMENT - KREDIT” МЧЖ

Рўҳат рақами: ЎЗР Молия вазирлигининг 2015 йил 18 апрелдаги 34- сонли лицензияси
Юридик манзили: Тошкент вилояти, Бекобод ш. Саломатлик, 9-уй 7

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХИСОБОТИ 2019 йил 31 декабр ҳолатига кўра			
Код	Таъриф	Кўрсаткичлар	минг сум
		1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар	805 578
160	44700+44900	Бошқа фоизли даромадлар	0
170		Жами фоизли даромадлар (110+120+160)	805 578
		2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
230	53105+53195+53196	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
240	54400	Лизинг (микролизинг) бўйича фоизли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фоизли харажатлар	0
260		Жами фоизли харажатлар (210+220+230+240+250)	0
310		3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚУРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)	805 578
320	56802+56842	Минус: Кредитлар бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	4 000
330		Кредитлар бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310-320)	801 578
		4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фоизсиз даромадлар	242 684
450		Жами фоизсиз даромадлар (410+440)	242 684
		5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	45 066
520	55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	1 408
530		Жами фоизсиз харажатлар (510+520)	46 474
600		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)	997 788
		7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	56100	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	246 072
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	100 590
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Маъмурий харажатлар	6 720
750	56500	Репрезентация ва хайрия	8 452
760	56600	Эскириш харажатлари	13 472
770	56700	Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	5 280
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	380 586
800	56800-56802-56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚУРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900		9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	617 202
		10. ФОЙДА СОЛИГИ	
1000	56902	Фойда солигини баҳолаш	77 043
1100		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (900-1000)	540 159
1110	Дт 31206 Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+/-1110)	540 159

БАЛАНС ҲИСОБОТИ 2019 ЙИЛ 31 декабр ҳолатига кўра			
Код	Таъриф	Кўрсаткичлар	минг сум
		АКТИВЛАР	
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тулов хужжатлари	7
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	14 276
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	55 573
50	12401+12405+12409+15701+15705	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	
51	12499+15799	Минус: кредитлар бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	1 016 080
70	16500	Асосий воситалар, соф	28 305
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	
91	16799	Минус: Қурилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	
92		Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16400	Бошқа активлар	57 933
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	1 172 174
		МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ	
		МАЖБУРИЯТЛАР	
210	21400+21600	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	0
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фойзалар	0
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	5 779
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	26 648
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	32 427
		КАПИТАЛ	
310	30301	Устав капитали	500 000
320	30903	Умумий захира фонди	75 000
330	30905	Текинга олинган мулклар	0
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	24 588
370	(40000-50000) +/- 31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	540 159
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	1 139 747
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	1 172 174

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 13 февралдаги АФ № 00202-рақамли лицензиясига эга) “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларга мувофиқ тайёрланган. Микрокредит ташкилоти ҳисоботининг 2019 йил 31 декабр ҳолати бўйича келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги ҳақида аудиторлик хулосаси бор.

Хизматлар лицензияланган.

ҲАР БИР ИНВЕТОР ЎЗИГА БЕРИШИ КЕРАК БЎЛГАН УЧ САВОЛ

Камдан кам инвесторлар фискал рағбатлар учун сарфланган ҳар бир доллар, евро ёки фунтнинг самарадорлигини баҳолашга вақт сарфлайди.



Бозорда ҳеч қачон башоратлар тури бўйича камчилик бўлмаган, ҳар қим ўз истагига кўра башоратларни топа олган. Кимдир вазиятга "идишининг ярми бўш" қабилида муносабат билдирса, яна бошқиси "ярми тўла"лигидан хурсанд бўлади. Бироқ уларнинг унисига ҳам, бунисига ҳам соғлом руҳдаги танқид ортиқчалик қилмайди. Айниқса, коронавирусдан кейин иқтисодий ва молиявий вазият инвесторлар ва уларнинг портфеллари учун узоқ муддатли таваккалчиликни тайёрлаб турган бир вақтда.

Сўнги пайтларда фонд бозори пандемиядан кейин фаол суръатларда қайта тикланмоқда. Бу эса инвесторларнинг оз бўлса-да ишонч руҳини синдирибди. Европа ўзининг рағбатлантирувчи чораларини қўлламоқда. Америка иқтисодиёти эса май ойида кутилмаганда 2,5 миллионга янги ишчи ўрни яратди.

Шоқ ҳолатидан кейин қатъий қайта тикланишга бўлган ҳаракат таваккалли активларни харид қилганларга қўл келса, ҳимоя портфелига эга бўлишни мўлжаллаганларнинг ҳафсаласини пир қилади.

Бутун дунёда умидвор белгилар учраб турибди: аксарият мамлакатларда фонд индекслари аста-секинлик билан S&P 500га етиб қолди. Қўллаб ривож-

ланаётган бозорлар эркинроқ нафас олаётди, улар кучли долларнинг босимидан бироз енгил тортиб, арзон хомашё балосидан қутулди.

ИНҚИРОЗДАН КЕЙИН ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИЛАДИ?

Инвесторлар кўнглини кенг қилиб, ўз ишидан завқланиш эмас, балки ўзига ўзи айрим ноқулай саволларни беришига тўғри келади. Ҳақиқатан ҳам молиявий тизимга сармоя киритилганларга пандемия оқибатида юзага келган иқтисодий зарарни қоплашга ёрдам беришармикан ва узоқ муддатли карантин оқибатлари инфляциянинг сезиларли даражада ўсишига сабаб бўлмасмикан?

Ҳукумат ва марказий банклар баҳосига кўра, улар томонидан ишга туширилган кўмак дастурлари карантиндан чиқиш ва келгусида қайта тикланиш ораллигидаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади. Бугунги суғлашув фаолиятнинг кескин суръатларда тўхтатилиши туфайли юзага келди ва бундан энг кўп ҳимояланмаганлар, яъни кам иш ҳақи олувчи ходимлар ва кичик корхоналар қийналди.

Ҳукумат нохуш оқибатларни бартараф этиш мақсадида иқтисодиётга ҳаддан ташқари кўп пул киритди. Бироқ камдан-кам инсонлар киритилган бу евро, доллар

ва фунтлар қаёққа кетгани ва уларнинг қанчалик самара бериши билан қизиқишади.

Шунингдек, диверсификацияланган портфелга эга инвесторлар ўзини қандай тутиши кераклиги ҳам очиқ турибди.

ИНФЛЯЦИЯДАН КИМ ҚИЙНАЛАДИ?

Longview Economics мутахассиси Крис Уотлинг таъкидлашича, кредит бозоридаги имкониятларнинг эволюцияси узоқ муддатли инвесторлар яқин келажакда кузатадиган салбий омилга айланади. Унинг фикрича, бу омил АҚШ иқтисодиёти ёки жаҳон иқтисодиёти инфляция даражасининг ортишини аниқлаб беради.

Имтиёзли имкониятни тақдим этувчи кредитлаш ҳозирги пайтда активлар нархи ва иқтисодиётдаги ҳолат ўртасидаги аниқ фарқни юзага келтираётган пул оқимларини қўллаб-қувватлаши мумкин. Паст фоиз ставкали кредитлар маълум муддатгача активларнинг даромадига ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Бироқ пандемия оқибатида юзага келмаётган оммавий тартибсизликларнинг ортиб бораётгани фаровонликни қайта тақсимлашга киришилаётган давлат сиёсати ҳам зиён келтириши мумкин.

Ҳукумат солиқларни оширса ва тартибга солишни кескинлаштиради, компанияларнинг даромади топиши қийинроқ кечиши мумкин ҳамда инфляция ҳам ўсиб бораверади. Бу эса капиталнинг даромадлилик даражасини пасайтиради. Акцияга йўналтирилган портфелга эга бошқарувчилар эса облигациялар бозорида аҳвол бундан ёмонлашиши мумкинлигидан таскин топса бўлади.

ДЕФЛЯЦИЯДАН КИМЛАР ҚЎРҚИШИ КЕРАК?

Ҳозирги вақтда кредитлаш шартлари янада кескинлаштирилмоқда, яъни банклар кредитлашга нисбатан чегараловчи талабларни қўллаш бошламоқда. Бу дегани, энг аввало суғлаш компаниялар ва арзон пуллардан беҳисоб даромад толаётганлар, масалан қурилиш соҳаси бундан азият чекади. Шу ўринда бугун марказий банклар рўбарў келаётган дефляция муаммосининг долзарблиги ортиши аниқ ва бу муаммо эҳтимоллий иқтисодий тикланиш майдонини тўсиб қўйиши мумкин. Жорий тикланиш давомида арзон кредитларга қарам компаниялар акцияси S&P 500нинг умумий индексидан тезроқ, яъни 15 фоизга ортди. Бироқ инвестор-



лар аллақачон дефляцион сценарийдан хавфсирашни бошлаб юборишган ва бу ҳолат бозор динамикасига ўз таъсирини ўтказган. Асабийлашнинг яна бир белгиси – юқори рейтингли инвестициявий қоғозлардан бошқа облигацияларнинг ортда қолишида кўринади. Бироқ инвесторлар дефляцион сценарийдан хавфсирашмоқда.

Фискал рағбатлантириш ўртадаги бўшлиқни муайян даражагача қисқартиради, кичик бизнес муаммолари

эса иқтисодиётда акс этади ва йирик компанияларга зарар етказилади.

ИНВЕТОРЛАР БОЗОРГА ИШОНМАЯПТИ

Марказий банкларнинг кредит бозорини қўллаб-қувватлаши, шубҳасиз, паст кредит рейтингига эга компанияларнинг вақтдан ютишига сабаб бўлди. Бироқ уларнинг қарздан қарамлиги келгуси бир неча йилда қайта тикланишига ҳалал бериши мумкин.

Пандемия оқибатида юзага келадиган узоқ муддатли зарар хавфи аксарият инвесторларнинг акциялар бозори тикланишига бўлган ишончини сусайтирди. Сабаби акциялар бозоридида ишсизликнинг ортиши ёки бизнес ва истеъмолчи томонидан жамғариб қўйилган маблағларнинг сарфланиб юборилиши каби омиллар ҳисобга олинмайди.

BNY Mellon Asset Management компаниясининг бош иқтисодчиси

Шамик Дар жаҳон иқтисодиёти бундан-да кучли бўлиб қайта тикланиши истиқболга оптимистик муносабат билдирди, аммо айни пайтда у ҳам акциялар асосий макроиқтисодий сценарийдан ўзиб кетишини башорат қилмоқда. Шу боис у портфеллар учун суверен облигация, олтин ва бошқа шакли суғурта воситаларини харид қилиш мақсадга мувофиқлигини қайд этмоқда.

Интернет материаллари ассосида тайёрланди.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ - ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукр ЖАББОР

**ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ**
Ўктам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Ахборот кўмаги

ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧЖ

www.finance.uz

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Юнусовод т.

Осиё кўчаси 1а

e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,

Чоп этишга тайёрловчи:

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Газета тахририятнинг техник

ўсуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да зълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кунини чиқади. Буюртма № 0702 А-1595 Нархи шартнома ассосида. Газета АЗ ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 16.06.2020 й., 1 2 3 4 5 6